



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2012 йил 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф якунлари бўйича Қўшма баёотнони қабул қилиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йил 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган йигирма йил мобайнида икки давлат раҳбарлари икки томонлама саммитлар доирасида 13 маротаба учрашув ўтказдилар. Икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралари амалий ҳамда ишчан фикр алмашув руҳида ўтади.

Икки дўст мамлакатлар Президентларининг бундай тез-тез ва самарали мулоқотлари бутун Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий гуллаб-яшнаши ҳамда унинг аҳолиси турмуш тарзи даражасининг юксалиши йўлида ҳар икки мамлакат салоҳияти ва савий-ҳаракатларини бирлаштиришга имкон берадиган бугунги интеграция жараёнида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг тутган ўрни билан боғлангандир.

Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган самарали ва конструктив ҳамкорлик йиллари мобайнида ҳаётнинг барча соҳаларида икки давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солидиган 150 дан зиёд ҳужжат имзоланди. 1998 йилнинг октябрида Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома стратегик шериклиқнинг ривожланиши ва мустақамланишини белгилаб берадиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Ҳар бир давлат манфаатларига риоя этиш, ўзаро ҳурмат ва ҳар икки мамлакат учун мақбул қарорларни қидиришга асосланган ўзаро муносабатлар қурилиши, шубҳасиз, амалий фаолликни ривожлантириш ишига қўмаклашди. Масалан, 2011 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама савдо ҳажми 2,7 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил қилди. Бу рақамлар Қозоғистоннинг Ўзбекистон учун ўз кўлами жиҳатидан иккинчи иқтисодий шерик эканлигини англатади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қозоғистонлик сармоядорлар иштирокидаги 178 та корхона фаолият кўрсатмоқдаки, уларнинг 35 таси 100 фоиз хориж капитали асосида иш олиб бормоқда. Улар машинасозлик, металл ишлаш бериш, енгил ҳамда озиқ-овқат саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларни қамраб олган. Ўз навбатида, Қозоғистон ҳудудида ҳам Ўзбекистон вакиллари иштирокида барпо этилган 120 та корхона рўйхатдан ўтган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН: БАРҚАРОРЛИК, ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг раҳбарлари нигоҳида

Ўзбекистон Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган гўзал байрам тантаналари кўп сонли иштирокчилар қаторида юртимизда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам бефарқ қолдирилмади.

Улар Ўзбекистон халқига ўзларининг самимий қутловларини изҳор этишар экан, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар том маънодаги суверен, гуллаб-яшнаган давлат қурилиши йўлида катта муваффақиятларга эришиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш имконини берганини таъкидладилар.

Латвия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллодда мухтор элчиси, Тошкентдаги дипломатия корпусининг дуайени Игорс Апокинс: — Ўзбек халқини улуг байрам билан чин қалбидан муборакбод этар эканман, фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилайман.

Мамлакат эришган муваффақиятларга, ижтимоий-иқтисодий соҳа ҳамда фуқаролик жамияти қурилишидаги кенг кўламли ислохотларнинг натижаларига баҳо берарканмиз, бугун юртингизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси эканлиги билан фахрланаётгани ва юртининг янада гуллаб-яшнаши учун бутун қуч-ғайратини баҳшида қилишга тайёрлигини қайд этишни истар эдим.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида жорий йил ўқишга қабул қилинган курсантларнинг тантанали қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳар йили ушбу тадбирнинг Энг улуг, энг азиз байрамимиз шукуҳи кезиб юрган кунларда ўтказилишида теран маъно бор. Зеро, ўтган 21 йил мобайнида ҳар қандай вазиятда Ватанимиз ҳимоя қилиш, оқош-ишталликни таъминлашга оид вазифаларни бажаришга қодир Куролли Кучларимиз барпо этилди, унинг сафларида хизмат қилишга бел боғлаган йигитларимизга ўз Ватанида қасамёд қилиш бахти насиб этмоқда. Буларнинг барчаси Истиқлолимиз шарофати, Мустақиллигимиз берган улкан имкониятлар самарасидир.

Ёшлар ҳаётидаги ушбу унутилмас тадбирда Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов, отаоналар номидан З. Абдуллаева ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ички ишлар идоралари учун етук кадрлар тайёрлаш, тизим моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Президентимиз раҳнамолигида келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларга дунё талабларига мос равишда билим бериш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ташкил этилгандан буён бу ерда ички ишлар идоралари ва ҳуқуқ-тартибот органларига

тўрт минг нафардан зиёд офицер-кадрлар тайёрланди. Мактабда ўн иккита кафедра, илмий текшириш маркази, кўплаб илмий ва бадий адабиётларга эга кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Ушбу даргоҳда ўқиш муддати 5 йил бўлиб, «Ёнғин хавфсизлиги» йўналиши бўйича олий маълумотли муҳандис кадрлар тайёрланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу илм масканида ўқиб, катта ҳаётга йўл олган мутахассислар нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўйича, балки ички ишлар идораларининг бошқа хизматларида ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиб келмоқдалар.

Таълим муассасасида ёшларнинг пухта билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарлича шароит ва кенг имкониятлар мавжуд. Булардан унумли фойдаланаётган курсантлар ўз билим ва малакасини, жисмоний тайёргарлигини ошириб бормоқда.

Белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, ушбу нуфузли билим юрти курсантлари сафига қўшилганимдан хурсандман, — дейди Аҳмадjon Қосимов. — Ниятим ўқиш давомида ўз билим ва малакамни ошириш, билдирилган ишонччи оқлаш, келажақда эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Таниқли эстрада хонандаларининг куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача кўтаринкилик бахш этди. Куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

Жавохир ТОШХҲАЕВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси муҳокама қилинди.

• Қорақўл тумани Қўлво қишлоғидаги 37-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун Мустақиллик байрами шодиёналари яна бир қувончли воқеага уланиб кетди. Улар янги ўқув йилини икки қаватли янги бинода бошлади. «Шарқ плюс» хусусий қурилиш ташкилоти бунёдкорлари барпо этган 216 ўринли мазкур таълим муассасасида ўғил-қизларнинг пухта билим олиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Жумладан, тегишли ўқув лабораториялари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

• Андижон вилояти Қорасув шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 946 миллион сўм бўлган ушбу бинони «Андекстракцион» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этди. Янги очилган маъмурият муассасасида санитария ва эпидемиология бўлимлари, паразитология ҳамда бактериология лабораториялари фаолият кўрсатади. Бино хоналарида яратилган шароит замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради.

• Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида барпо этилган замонавий хирургия мажмуасининг иккинчи босқичи фойдаланишга топширилди. Мазкур мажмуа Бойсун туманидаги «256-хўжаликларо механизациялашган кўчма жамланма» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Уч қаватли янги бинода барча қулайликларга эга тўртта жарроҳлик хонаси, дорихона, реанимация ҳамда марказлашган стерилизация бўлимлари жойлашган.

ЖАҲОНДА

• Римдаги машҳур Треви фаввораси вақтинча ўчирилди. Бунга унинг қайта таъмирлашга муҳтож ҳолатга тушиб қолгани сабаб бўлган. Треви Римнинг йирик фаввораларидан бири бўлиб, унинг баландлиги 25,9 метр, кенлиги эса 19,8 метрни ташкил қилади. Мазкур фавворани томоша қилиш учун дунёнинг барча давлатларидан кўплаб сайёҳлар ташриф буюради. Одамлар орасида ушбу қадимий фаввора ҳақида турли афсоналар юради. Айтишларича, Тревида ният қилиб танга ташлаган инсоннинг орзуси ушалади ва албатта, мазкур тарихий шаҳарга яна қайтиб келиш имкони туғилар экан. Маълумотларга қараганда, ҳар йили бу фавворадаги сув тагидан тўққиз юз минг евро миқдорида пул олинади.

• Иқтисодий қийинчиликлар қушоғида қолган Испаниянинг бир қатор шаҳарлари ва ҳудудлари кетма-кет иқтисодий розга юз тутмоқда. Валенсия ва Мурсия шаҳарларидан сўнгра Каталония ҳам таназзулга учради. Хабарларга кўра, мамлакатнинг ўн етти шаҳри ичида Каталония 42 миллиард евро қарз билан аҳоли энг танг ҳудудлар сафидан жой олган. Айни кунларда Каталония мамлакат ҳукуматида иқтисодий ёрдам сўрамоқда.

• Швециянинг Уппсала университети олимлари атир-упа маҳсулотлари инсонда қандли диабет хасталигини келтириб чиқаради, деб таъкидламоқда. Пардоз-андоз воситаларининг пластик қадокларидаги фталати кимёвий моддаси маҳсулот таркиби билан ишқорланиб қандли диабет хасталигининг юзага келишига сабаб бўлади. Бундай воситалардан фойдаланилгач, тери орқали мазкур кимёвий модда қонга сингади ва ушбу касалликка чалиниш икки баробар ошади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Маънавий тарғибот маркази Сергели туман бўлими томонидан «Asl Oyuna» қўшма корхонасида Ва-

таннимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманида жойлашган меҳмонхона хўжалиги касб-

хунар коллежи ахборот-ресурс маркази «Тенгдош» маданият уйи билан ҳамкорликда «Илм менинг қуёшим» мавзусида учрашув ва давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **БУГУН** «Қамолот» ЁИХ Чилон-

зор туман Кенгаши ташаббуси билан туманда жойлашган 33 та умумтаълим мактабларининг 8-9-синфларида синф «Қамолот» сардорларининг сайловлари юқори савияда ташкил этилди.



Россияда бокс бўйича ўтган халқаро турнирда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган юздан ортиқ чарм қўлқоп устаси голиблик учун куч сингиди.

Бокс

БИР ЖУФТ ОЛТИН МЕДАЛЬ

Ўн вазн тоифасида ўтказилган нуфузли мусобақанинг олтин медаллари Ўзбекистон ва Россия терма жамоаларига насиб этди.

91 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда моҳир боксчимиз Мирзохид Абдуллаев мезбонлардан Арби Мадаевни 11:10, Мурод Далхаевни 16:6, Александр Караказяни 11:5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалгачикди. Ҳал қилувчи беллашуларда ҳамюртимиз яна бир россиялик боксчи Шамиль Маташев устидан 12:9 ҳисобида зафар кучиб, шохсупанинг

энг юқори поғонасидан жой олди.

Терма жамоамиз ҳисобига иккинчи олтин медални келтирган Ҳасанбой Дўстматов 49 килограмм вазн тоифасидаги учрашуларда рақибларини катта устунлик билан енгди. Мусобақани чорак финалдан бошлаган боксчимиз дастлабки икки жангда латвиялик Дмитрий Захаровдан 18:3, россиялик Батор Саголуевдан 18:9 ҳисобида устун келди. Финалда эса беларуслик Цирен Бадмаевни муддатидан олдин – иккинчи раундда мағлубиятга учратиб, халқаро турнир голиби бўлди.



Келажаги порлоқ ёшларимизнинг истиқболли эртаси ана шундай обод ва файзли гўшаларга туташир.

Ёшлар Шамсиддинов (ЎЗА) олган суратлар

Футбол

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Вьетнамда «AFF Cup – 2012» халқаро турниридаги дастлабки учрашувини Австралия вакилларига қарши ўтказди.

Биринчи бўлимда ўз дарвозасидан гол ўтказиб юборган ёш футболчиларимиз ўйиннинг сўнгги ўн дақиқасида иккита тўп киритди ва ғалабага эришди. Голлар Абдулазиз Юсупов ва Жаҳонгир Абдумўминов ҳисобига ёзилди.

Иккинчи учрашувда Вьетнам футболчилари Эрон ёшлар терма жамоасидан 1:2 ҳисобида мағлуб бўлди.

4 сентябрга белгиланган иккинчи турда Ўзбекистон ва Эрон ёшлар терма жамоалари ўзаро куч сингиди.

«AFF Cup – 2012» халқаро турнири ёш футболчиларимиз учун жорий йил-

нинг 3-17 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган ёшлар ўртасида Осиё чемпионатида тайёргарлик вазифасини ҳам ўтайди. Ушбу мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «С» гуруҳидан чиқиш учун Корея Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам ва Иордания футболчилари билан рақобатлашади. Қитъа чемпионатида кучли тўртликдан жой олган жамоалар келаси йили ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланма олади.

Соҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Фан-техника ва технологиялар соҳасидаги изланишлар Тошкент Давлат техника университети илмий фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аксарияти мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

ФАН ВА ТЕХНИКА УЙҒУНЛИГИ

Энергия манбаларини яратишга доир лойиҳа мавзуси бўйича 4 та патент олинди, қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Яна бир янгилик шундан

иборатки, университетнинг «Энергетика ва микроэлектроника» кафедраси негизда «Ихтиро маскани» ўқув-илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил қилинди. Марказ за-

монавий компьютерлар, ташкилий техника воситалари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Унда профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда иқтидорли талабалар ўзларининг тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришда қўллаш амалиёти билан шуғулланмоқдалар. Олий ўқув юртида Корея саноат ва технологияси фондининг ўқув курси ташкил этилди. Бу ўқув курсида Жанубий кореялик профессорлар 60 дан ортиқ талабалар, магистрлар, аспирантларга Корея таълими ва саноатининг тараққиёт босқичлари ҳамда янги техника ва технологиялар бўйича маърузалар ўқидилар.

Аҳмад АББОСОВ

«102» ХАБАРЛАРИ

ОҒУ ДОМИ

Ҳозирги даврда айрим юртдошларимизнинг нопок ҳаракатлари кишиларнинг соғлиғига зарар етказиш билан бирга одоб-ахлоқ меъёрлари ва қонун талабларига тўғри келмайди. Жумладан, наркотик

воситалари савдоси билан шуғулланувчиларни шулар қаторига қўшиш мумкин.

Бектемир туманида истиқомат қилувчи А. Игорь Кўйлик деҳқон бозори яқинида, Миробод тумани-

Уяли телефонлар бугунги кунда зарурий алоқа воситаси ҳисобланади. Сухбатлашиб, қўшиқ тинглаш, кино кўриш ва бошқа қўллаб имкониятларни ўзида жамлаган турли телефонлар нафақат одамларнинг «овунчоғи»га балки, жиноятчи ва талончиларнинг асосий ўлжасига ҳам айланиб улгурди.

ОНА-БОЛА ТАЛОНЧИЛАР

Халқимизда азал-азалдан «Онасини кўру қизини ол», деган нақл бор. Зеро, қизлар асосан оналаридан ўрнак олиб, қўп ҳолларда улардек бўлишга интилишларини ҳаёт тажрибаси тасдиқлаган. Шунинг учун ҳам момоларимиз ўз фарзандларига тарбия беришда шахсий ўрнакнинг ўрни алоҳида эканлигини билиб, бунга амал қилишган. Ҳўш, бугунги кунда ўзларини замонавий дея атаётган айрим аёлларимиз ҳаммаша ҳам уларга муносиб бўлишарми...

Шайхонтоҳур туманида яшовчи, 1961 йилда туғилган Умида ва унинг 1987 йилда туғилган қизи Тамила ўзаро жинсий тил бириктириб, кундуз кўни талончиликка қўл уришди. Она-боланинг «ўлжа»си –

Юнусобод туманида яшовчи Жавлон исмли йигит кўчада уларга дуч келганида ҳеч нимадан хавфсирмаганди. Лекин аёллар тўсатдан унга ташланиб, бўйиндаги тилла занжири, қўлидаги уяли телефонни олиб қочишгач, Жавлон нима қиларини билмай, олган жароҳати панд бериб, касалхонага мурожаат этишга мажбур бўлди. Воқеадан хабар топган Ички ишлар ходимлари талончиларни қўлга олишди. Жиноятчилар томонидан тортиб олинган умумий қиймати 16800000 сўмлик далилий ашёлар эгасига қайтарилди. Ёши эллиқдан ошган она ва мустақил ҳаётга қадам қўйиб улгурмаган 25 ёшли қиз энди қилмишига яраша жазосини олади.

ТЕЛЕФОН ЭМАС, КИШАН

Чилонзор туманида кечки маҳал дўстлари олдидан қайтаётган ўсмир М. Иванов ҳам мобил воситаси орқали қўшиқ тинглаб келаётганида барзани йигит унинг олдидан чиқиб, боланинг юзига мушт тушириб, телефонини олиб қочди.

Оғрикнинг зўридан бақириб юборган болақайни эшитган кишилар, дарҳол шу атрофда ўз вазифасини ўтаётган Ички ишлар ходимларини бошлаб келишди. Осовишталлик посбонлари дарҳол воқеа жойида ҳуқуқбузар Т. Эргашнинг қўлидан уяли алоқани олиб, ўрнига кишан урди.

ҲАЗИЛ ЗИЛГА АЙЛАНДИ

Тошкент шаҳрида туғилган, Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Зафар ва ўртоғи Комил ҳам ана шундай номаъқулчиликка қўл уришди.

Аслида бу икки йигит маҳалла бошидаги бозорчага қулупнай олишга боришганди. Шу ерда савдо қилаётган Равшан билан савдолашиб, гап гапга уланиб кетди. Сухбат орасида ҳазил ҳам қилинди, бироқ Равшаннинг ҳазили харидорларга ортиқчалик қил-

димди, Зафар билан Комил унга ташланиб қолишди. Икки ўртоқнинг дўппосидан тан жароҳати олган сотувчи шиғоҳонага ётқизилди. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган суриштириш ишлари натижасида тартиббузарлар қонун олдида жавоб беришди.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Шошқалоқ куйиб қолса, сусткаш куруқ қолади.

Бахтли кексалик машаққатли ёшлиқнинг меваси.

Умидсиз одам – жонсиз тана.

Ишонмаган интилмайд.

Ирода бўшлиғи бахтсизликка йўл очиб беради.

Яхшилик билан ёмонликнинг ораси бир қадам.

Оқимга қўшилиб оқишдан осони йўқ, қарши туриш қийин.

Кўриб кўзинг, юриб йўлинг очилади.

Дунё – шам, инсон – парвона.

Умид камайса, шубҳа ортади.

Аслида ҳаёт мураккаб эмас, уни биз мураккаблаштирамиз.

Одам боласи ҳеч нарсани вақтчалик қўли очиклик билан сарфлама-са керак.

Кунни бой берган лаҳзанинг қадрига етмайди.

Кўнгилчанлигимиз ўзимизга панд, бошқаларга эса иш беради.

Ўзингни англаш – эшик қоққан бахт.

Тушуниш – муттасил қийноқ.

Имконият бор нарса – фақат ўзинг топмасанг, яратмасанг, биров уни сенга бермайди.

Вақтдан ютган умрдан ютади.

Ҳиёнатнинг энг хунук кўриниши, бу – ўзингни ўзинг алдаб яшашингдир.

Нафсини енггани ҳеч ким енгмайди.

Бир ерда тўхтаб қолиш ўзингдан кўнглинг тўқ бўлган кундан бошланади.

Ҳамиша ёруғ илинж, бардам умид билан яшаш – доимий байрам.

Катта қалб эгаларигина ҳар хил иқир-чиқирлардан юқори тура оладилар.

Чинакам бахтга ҳамиша бир баҳя етмайди.

Ҳақиқат қиличдай тўғри, ёлғон ўроқдай эгри бўлади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

часи — 13-15, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 сентябрь кўни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-

6 сентябрь Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди, тағмиқдори паст бўлади.